

## UZBEKISTAN'S POLICY IN THE FIELD OF MAINTAINING INTERNATIONAL ACCORD AND RELIGIOUS TOLERANCE IN THE CONDITIONS OF GLOBALIZATION

Saidov Ulugbek Aripovich

Candidate of Philosophy, Professor of ANIQUE WORLD (UNESCO-Greece),

Associate Professor of the Academy of Public Administration under the

President of the Republic of Uzbekistan,

tel.:+998 90 9121455, e-mail: ulugbek.saidov @ gmail.com

### ABSTRACT

The article analyzes the current threats of globalization, the policy of interethnic harmony and religious tolerance in Uzbekistan, the importance of maintaining an environment of interethnic and interfaith harmony in maintaining stability in the country and the reforms being carried out in the framework of the New Uzbekistan Strategy.

**Keywords:** globalization, politics, national policy, interethnic harmony, religious tolerance, religious tolerance, UNESCO, "New Uzbekistan" strategy.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, сиёсат, миллий сиёсат, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, ЮНЕСКО, Янги Ўзбекистон стратегияси.

**Ключевые слова:** глобализация, политика, национальная политика, межнациональное согласие, религиозная толерантность, веротерпимость, ЮНЕСКО, стратегия «Новый Узбекистан».

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳозирги глобаллашув жараёнларида юзага келаётган таҳдидлар, Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни ва диний бағрикенглик бўйича олиб борилаётган сиёсат, мамлакатда барқарорликни сақлашдаги миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик муҳитини сақлашнинг аҳамияти ва бу борада Янги Ўзбекистон стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар таҳлил этилган.

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются современные угрозы глобализации, политика межнационального согласия и религиозной толерантности в Узбекистане, важность сохранения обстановки межнационального и межконфессионального согласия в поддержании стабильности в стране и реформы, проводимые в рамках Стратегии Нового Узбекистана.

Ўзбекистон тараққиётининг янги даврида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самараси, авваламбор, мамлакатдаги барқарорлик билан белгиланади. 130дан ортиқ миллат ва элат, 16та конфессияга мансуб дин вакиллари яшайдиган Ўзбекистонда мазкур барқарорлик кўп жиҳатдан миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини сақлашга боғлиқ. Қолаверса, содир бўлаётган глобал ўзгаришларнинг оқибаларидан бири ўлароқ халқларнинг маданий ўзига хослиги ва маданиятлараро мулоқот муаммоларига бўлган қизиқиш ўсиб бормоқда. Бунга сабаб –

яқин-яқингача ижтимоий муносабатларни белгилаб келган қадриятлар тизимидаги ўзгаришлар. Агар аввал жамият ҳаёти ижтимоий ўхшашлик билан боғлиқ қадриятлар тизими билан белгиланган бўлса, энди мазкур тизимнинг йўқолиши натижасида кўплаб базавий қадриятлар миллий-этник муносабатлар сатҳига кўчди. Натижада сўнги вақтларда кўпгина халқ ва этник гуруҳлар ўзига хослигини ўз маданияти асосида белгилашга интилоқдаки, жаҳон ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини очиш учун глобал ўзгаришларни ҳамда замонавий маданият соҳасидаги жараёнларни илмий таҳлил қилишга даъват этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев миллий тараққиётимизнинг истиқболлари ҳақида фикр юритар экан, жаҳондаги мураккаб вазиятга эътиборни қаратиб шундай деди: “Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда” [1. 305-б.]

Бугунги кундаги глобаллашув шароитида, юзага келаётган янгидан янги муаммо ва таҳдидлар қаршисида халқлар ўртасидаги диалог ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлмоқда. Янги технологияларнинг пайдо бўлиши глобаллашув жараёнларининг тобора фаоллашувига олиб келмоқда. Бунинг натижаларидан бири шу бўлмоқдаки, турли маданият вакиллари ўтасида фикр ва ғоялар алмашинмоқда, бу уларни бир-бирларини яхшироқ билишларига, ўзгача яшаш ва фикрлаш тарзлари билан яқиндан таниша бошламоқдалар.

Шу билан бирга сўнги даврларда дунёда содир бўлаётган воқеалар унинг инсоният цивилизацияси учун ҳавфли тенденцияларини ҳам аён этмоқдаки, глобаллашув очиқлик, бағрикенглик эмас, ўзига ўхшамаганларни, ўзга маданият, ўзгача қадрият эгаларини тушунмаслик, инкор этиш кайфиятига таянган миллий-маданий маҳдудликни юзага келтириши, хусусан, турли халқларнинг миллий ўзлигини англашидаги муҳим омилни ташкил этган дин ўзга эътиқод эгаларини тушунмаслик, ижтимоий ихтилоф ва тўқнашувлар манбаига айланмоқда. Халқаро муносабатлар тизимида миллатлараро муносабатлар айниқса мураккаб характер касб этмоқда. Бу контекстда вужудга келаётган зиддият ва тўқнашувлар кўплаб мамлакатларнинг ҳудудий яхлитлигига ҳавф солиши билан бир қаторда, ўткир давлатлараро зиддиятларнинг вужудга келишига замин ҳозирламоқда. Яқин Шарқда, Ҳиндистонда, Араб мамлакатларида, Исроилда ва яна бир қатор ҳудудларда содир бўлаётган воқеалар бунинг ёрқин далилидир.

Шунинг учун глобаллашув шароитида маданиятлараро ва динлараро мулоқотни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ҳозирги замон маданий сиёсатнинг инновацион стратегияларини ишлаб чиқиш инсоният тамаддунининг ҳаёт-мамот масалаларидан бирига айланган.

Келажакда маданиятлараро ва динлараро мулоқот модели қандай бўлмоғи кераклиги ҳақида ягона қараш, ягона ғоя йўқ. Аммо шуни ишонч билан айтиш мумкинки, айрим ҳудуд, давлат ва сиёсий кучларнинг маълум бўлган мақсад-муддаоларига эришиш йўлидаги ранг-баранг маданиятларни бир қолипга солишга бўлган интилишларига қарамай, маданий ранг-барангликсиз келажак йўқ. Айни шу ғоя ЮНЕСКО ташкилотининг бир қатор ҳужжатлари, жумладан, 2001 йил 2 ноябрда эълон қилган

“ЮНЕСКОнинг маданий турли-туманлик тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси”нинг [5] асосий ўзак ғоясини ташкил этади.

Маданият тушунчаси “миллий-умуминсоний”, “анъанавий-замонавий” жуфтликлари билан чамбарас боғлиқликда идрок этилади. Маданий ранг-баранглик масаласи айни шу жуфтликлар доирасида ёндошувни тақазо этади. Бундай ёндошувнинг вужудга келиши инсоният тараққиётининг турли жабҳалари билан боғлиқ бир қатор ижтимоий жараёнлар, маданий-тарихий жараёнлар билан боғлиқ. Зеро, жамият тараққиётининг қайси жабҳасини олманг, бу ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-демографик соҳа бўладими, бундан қатъий назар, барчасида миллий-маданий унсур доимо иштирок этади (уларнинг таркибий қисмини ташкил этади). Боз устига, умуман тарих сабоқлари, тарихий тажриба бевосита ва тўғридан-тўғримиллийлик, умуминсонийлик ўртасидаги алоқа ва нисбат масаласи билан боғланади. Бугунги тамаддун тараққиётида ана шу жуфтлик ўзига хос зиддият ифодасига айланмоқда. Таниқли сиёсатшунос Архун Аппадураи сўзлари билан айтганда: «Бугунги кундаги глобал муносабатларнинг асосий муаммоси, — деб ёзади у, — маданий гомогенизация билан маданий гетерогенизация ўртасидаги зиддиятнинг кескинлашувидир» [6. 251-с.]

Шунинг учун ҳам сўнгги пайтларда кўплаб сиёсатчи ва мутахассислар бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, огоҳ этмоқдаки, халқлар, этносларнинг ўзига хослиги ва уларнинг миллий ва этник маданиятларини эъзозлаш, сақлаш ва ривожлантириш ҳақида гапирар экан, бу масалага юзаки қараш миллатлараро, маданиятлараро, динлараро муносабатларнинг ўта кескин тус олиши, ихтилофларни юзага келтириши мумкинлигидан огоҳ этишмоқда.

Умумтамаддуний глобаллашувнинг маданият соҳасидаги кўриниш ва натижалари ҳам кўпгина олимларнинг диққат марказида бўлмоқда. Рус олими В.М.Дианова ҳозирги дунёнинг характерли белгиларидан бири сифатида “нафақат маданиятлар ўртасидаги фаол диалог, балки диффузия, конвергенция, яқинлашув, ассимиляция, ижодий ўзаро таъсир ва ҳ.к. тушунчалар орқали ифодалаш мумкин бўлган маданиятларнинг ўзаро бир-бирига киришиши, сингиши” [8. 93-с.] ни тилга олади. Қолаверса, ҳар қандай миллий маданият ўзга миллат маданияти билан ўзаро алоқа ва таъсир асносида фаол ривожланиши, тараққий этиши мумкин. Аммо бугунги кунда миллий маданиятлардаги ўзгариш ва жараёнлар технологик инқилоб, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётдаги глобаллашув жараёнлари таъсирида кечмоқдаки, шу жиҳатдан глобаллашув аслини олганда, халқларни изчиллик билан маҳаллий манфаат, миллий анъана, қадрият ва ахлоқий меъёрлардан узоқлаштириш мақсадига хизмат қилмоқда.

Бу билан глобаллашув миллий маданиятларнинг ўзига хослиги йўқолиши, кам сонли халқларнинг ўз тилини унутиши, ҳаттоки, йўқолиб кетиши ҳолатларини юзага келтиради. Бир пайтнинг ўзида маданият либосини кийган, аслида манқуртлик касаллиги кўринишларидан бири — “оммавий маданият” умумжаҳон маданиятига айланмоқда. Ҳозирги кунда “маданият иқтисодиёти”, “маданият индустрияси” каби тушунчалар тез-тез қўлланмоқда.

Маданият рамзлари ва маданий ахборотни оммавий ишлаб чиқариш “глобал маданият”нинг шаклланишига олиб келади. Ўз-ўзидан аёнки, кучли давлатлар ўз ҳаётий, аввало, маданий рамзларини ҳимоя қилиш учун барча воситаларни ишга солади, масалан, ўз “яшаш тарзлари” ва маданиятларини бошқа ҳудудларга ёйиш каби. Бошқача айтганда, маданий рамзлар интервенцияси орқали дунёни ўз таъсири остига олишга ҳаракат қилади. Таниқли сиёсатшунос Архун Аппадураи

сўзлари билан айтганда: «Бугунги кундаги глобал муносабатларнинг асосий муаммоси, — деб ёзади у, — маданий гомогенизация билан маданий гетерогенизация ўртасидаги зиддиятнинг кескинлашувидир» [6. P. 251].

Ўз навбатида, маданий унификациялаш, маданий ранг-барангликни инкор этишга бўлган ҳаракатлар маданий идентификациялаш, яъни маданий ўзига хосликни сақлаб қолишга интилишни юзага келтирмоқда.

Ҳозир халқаро ташкилотлар ҳамда дунёнинг қатор олим, мутахассис, сиёсатчилари томонидан билдирилган ва сўнгги давр таҳдидларини бартараф этишга қаратилган бир неча глобал ғоялар илгари сурилган.

Шулардан бири— ЮНЕСКО илгари сурган тинчлик ва демократия маданияти ғояси. Унинг асосий мақсади — жаҳон ҳамжамиятида сиёсий муаммоларни куч ва ҳарбий усулларни ишлатмасдан ҳал этишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш. [5]

Дастлабки хулоса сифатида айтиш лозимки, маданият фақат миллий шакл ва мазмунда бўлиши мумкин, аммо муайян даражада объектив тарихий-ижтимоий жараёнлар таъсирида глобал маданиятнинг шаклланиб бораётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Маданий глобаллашув жараёнларининг ижобий жиҳатлари ҳам мавжуд. Хусусан, турли халқлар ўртасидаги маданий алмашинувнинг фаоллашиши, ўзаро маданий алоқаларнинг халқлар ўртасидаги ўзаро тушуниш ва ҳамкорликнинг ўсиши, маданиятлар синтези ва ҳ.к. Аммо глобал маданиятнинг қайси мезон ва қолиплар асосида шаклланаётгани, айрим унсурларининг миллий манфаатларга доим ҳам жавоб бермаслигини ҳамда жамиятдаги барқарорликни издан чиқарувчи омилга айланиши мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим.

Глобаллашув жараёни бутунги кунда инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олди. Уни халқлар, мамлакатлар ва ҳудудларни қамраган умумтамаддуний оқим деб аташ мумкин. Бу оқимга улар ўз бетакрор маданияти, анъаналари, тарихий тажрибаси, дунёқараши билан кириб келмоқда. Бу ранг-баранглик асосидаги яхлитлик инсоният дунёсининг бойлигини ифодалайди ва мураккаб, доимий ҳаракатда бўлган тизим сифатида унинг яшовчанлигини белгилайди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, жаҳонда содир бўлаётган ўзгаришларнинг кенг қўлами қадриятлар тизимида ўз ифодасини топгани йўқ, шунинг учун глобаллашув қўплаб ихтилоф ва зиддиятларга сабаб бўлмоқда. Гарчи дунё ҳамжамияти, БМТ, ЮНЕСКО каби ўнлаб халқаро ташкилотлар томонидан бу зиддиятларнинг олдини олиш ёки ҳал этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, лекин дунёда барқарорлик таъминланмаяпти.

Хусусан, бутунги кунда ахборот технологияларининг ривожини инсоният тараққиётига улкан таъсир этаётган янги ҳодисаларни майдонга келтирди. Жумладан, ривожланган мамлакатлар ташқарисида тараққиётнинг тўхташи; ривожланаётган мамлакатларнинг ижтимоий, молиявий ва маданий-маънавий инқирози, ривожланган давлатлар ва бошқа давлатлар ўртасида ихтилофнинг кучайиши ҳамда этник, маданий гуруҳлар ўртасидаги тўқнашувнинг авж олиши.

Албатта, жаҳон ҳамжамияти хавфли оқибатларнинг олдини олиш, бартараф этишга ҳаракат қилади. Бунинг учун раҳбарлар мазкур тенденцияларни ҳисобга олиши, ўз даражаси фаолияти доирасида уларнинг олдини олишга ҳаракат қилиши лозим. Бутунги шароитда, одамларда, авваламбор ёшларда маданиятлараро мулоқот кўникмаларини шакллантириш мамлакат ва жаҳондаги барқарорликни таъминлашнинг энг асосий шартларидан бир бўлиб қолмоқда. Миллатларнинг яқдиллиги, халқнинг

бир ёқадан бош чиқариши, жамиятнинг жипслиги миллий тараққиёт ва глобал таҳдидларга дош беришнинг асосий омили вазифасини ўташи мумкин. Бу жипслик ва яқдилликнинг асосий шarti эса, биринчидан, жамият маданий-маънавий пойдеворининг мустаҳкамлигидир. Шунинг учун жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва мустаҳкамлаш вазифаси устувор ўрин эгаллаши муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, ҳозирги дунё глобаллашув жараёнлари таъсирида борган сайин яхлит, ягона хусусият касб этаётган, одамлар миграцияси кўлами ва суръатлари ошаётган бораётган бир шароитда турли маданиятлар ўртасидаги тотувликни таъминлаш, барча кўринишлардаги мурасимчиликни тартараф этиш, бағрикенглик ғоялари ва қадриятларини оммалаштириш давлат ва жамиятларнинг энг муҳим вазифалари қаторидан ўрин олмоғи лозим. ЮНЕСКО Бош Конференциясининг 1995 йили эълон қилинган “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”да қайд этилганидек, “Бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди” [5]. Кўпқутбли дунё қадриятларининг мавжудлиги жамиятнинг тинимсиз такомиллашиб бориши, тараққиёти гаровидир. Бу қадриятлар тизимида эса бағрикенглик билан боғлиқ қадриятлар алоҳида ўрин тутади.

Маданиятлараро мулоқот – чегараларини белгилаш қийин бўлган ва комплекс ёндошувни талаб этадиган муаммодир. Боз устига, ҳозирги даврдаги ҳаётда тез суръатлар билан кечаётган ўзгаришлар билан боғлиқ равишда бу муаммонинг янгидан янги қирралари намоён бўлмоқда. Шундай экан, уни ҳал этиш учун кенг миқёсли, турли даража ва йўналишлардаги ишларни амалга ошириш ва доимий эътибор талаб этилади.

Маданият соҳасидаги сўнгги ютуқлардан бири - 2019 йил ноябрь ойида Ўзбекистон 2005 йилги "Маданий ифодаларнинг хилма -хиллигини ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш тўғрисида" конвенцияни ратификация қилиши бўлди.

Айтиш лозимки, Ўзбекистонда миллатлар ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсати изчил давом этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида бир қатор вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг жинси, ирқи, миллати, дини, эътиқодидан қатъий назар, қонун олдидаги тенглигини таъминлашга қаратилган ишларни тизимли ва изчиллик билан давом эттириш, миллатлараро муносабатлар соҳасида тизимли асосда илмий-ижтимоий тадқиқотлар олиб бориш ва ҳ.к.

Хусусан, маданий ранг-барангликни тарғиб этиш ва маданиятлараро мулоқот кўнималарини шакллантиришда таълим-тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Шу ўринда қайд этиш лозимки, аксарият ривожланган малакатларда таълим дастурларига “Маданиятлараро мулоқот” фани киритилган. Ҳозирги кунда таълим-тарбия тизимида миллий-маданий бағрикенглик таълимини янада чуқурлаштириш бутун дунёдаги, хусусан, Ўзбекистондаги барқарорликни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир. Бошланғич таълимдан то олий таълимгача бўлган бутун таълим тизимини ўзга халқлар, маданиятлар, динларни ўзганиш ва тушунишга янада кўпроқ йўналтириш давр талаби бўлмоқда. Бунинг учун эса махсус таълим дастурларини яратиш ва таълим тизимида жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда унутмаслик лозимки, маданиятлараро мулоқот тафаккури одамларнинг маънавий салоҳияти даражасига боғлиқ.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Т.: О'zbekiston, 2019.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: О'zbekiston, 2021.-464 б.
3. Многоликая глобализация. / Под. Ред. П.Бергера и С.Хантингтона. М.: Аспект Пресс, 2004. 371 с.
4. Ильинский И.М. Глобализация — фундаментальный вызов системе образования// Глобализация: проблемы международного сотрудничества и решение общечеловеческих задач. — Саратов, 2005. С. 58
5. ЮНЕСКО халқаро меъёрий хужжатлари. Т.:Адолат, 2004.
6. Appadurai A. Dsjuncture and difference in the global cultural economy.//Robertson R. White K.E. (Ed.) Globalisation.Critical concept in sociology.Volume 1, London, 2003,
7. Бек. У. Что такое глобализация? Ошибки глобализма — ответы на глобализацию. — М.: Прогресс-Традиция, 2001. С. 42.
8. Дианова В.М. Культурный плюрализм в условиях глобализации // Россия и Грузия: диалог и родство культур. Сборник материалов симпозиума. Вып. №1. — СПб, Санкт-Петербургское философское общество, 2003. С. 93.
9. Саидов У. Жамият маданият-маънавий ҳаётига таъсир қилувчи омиллар ва барқарор тараққиёт. Т.:Akademiyа, 2014. 186 б.
10. Ильинский И.М. Глобализация – фундаментальный вызов системе образования // Глобализация: проблемы международного сотрудничества и решение общечеловеческих задач. — Саратов, 2005. С. 58.
11. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. М.: Изд-во ВШЭ, 2000. С. 502-503.